



# Ўзбекистон

## adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЬЯТИ

Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqsa boshlagan

e-mail: u z a s @ m c s . u z

2014-yil 7-fevral • № 6 (4249)

9 феврал — Алишер НАВОИЙ таваллуд топған кун

### ҒАЙРАТ ВА ҲИММАТ ЗАРУР

Тухм ерга кириб чечак бўлди,  
Курт жондин кечиб ипак бўлди.  
Лола тухмича гайратинг йўқуму?!  
Пилла қуртича ҳимматинг йўқуми?!

(“Бадойиъ ул-бидоя” девонидан.)

Дарҳақиқат, буюк шоиримизнинг жонғи-  
долик борасидаги ушбу атиги тўрт мисрали  
назмий дурданасига сингдирилган маъно-  
нинг бенихоя теран ва ҳаётлигидан хай-  
ратга тушамиз. Бирок баъзан тириқилик  
баҳонасида атрофимиздаги кишиларга озгин  
кумак беришга ҳимматимиз ёхуд ўзимиз учун  
ошиб-тошиб ётган гайратимиз етмай қола-  
ди. Қарийб олти аср муқаддам ушбу ҳимматни

битаётгандан Навоий бобомиз кун келиб ана  
шу даъвати авлодларга этиб боришига, улар  
қалбида гайрат ва ҳиммат тўйгуларини  
үйғотишига катта умид боғлаган бўлса,  
не ажаб.

Албатта, улуғ шоир ижодини ҳар ким ўз  
билими, савиаси даражасида идроклади,  
тушунади ва талқин қиласди. Мен англаган бир  
ҳақиқат шуки, XVI асрда Европа Уйғониш  
дэврига туркни берган ғоялар Алишер Навоий  
ижодидаги умуминсоний гуманистик ғояларга  
ҳамоҳангидир. Мана бир мисол. Навоий “Садди  
Искандарий” достони муқаддимасида “Бутун  
оламдан, ҳатто оламдан ташқаридаги  
мавжудотлардан ҳам мурод, мақсад одамдир”,  
деган Фикрни илгари суради:

Очиғоч бу гулшанда инсон тули,  
Не инсон тули, боғи извон гули...  
Карам бирла ҳалқ аллагай оламе,  
Бу оламда мақсуд анга одаме.  
Фароз одаме анга олам туфайл,  
Неким гайри оламдур ул ҳам туфайл.

Беруний океан ортида куруқлик борлигини  
тафаккур этгани каби Навоий ҳам бошқа  
қитъаларда ва ҳатто бутун ер юзида маънавий  
таназзулга олиб келиши мумкин бўлган  
омилларни кўра билган.

Давоми учинчи  
саҳифада.



Кунинкаф юғи поётагти — Мокнодали  
Алишер Навоий ҳанжалли.

Алишер НАВОИЙ

### ҒАЗАПЛАР

Ўтга солғил сарвни, ул қадди мавзун бўлмаса,  
Елга бергил гулни, ул руҳсор гулгун бўлмаса.

Сарсанни оҳим эсар ғам шоми ҳижрон тогифа,  
Яхшидур, тонг откуча бу тогу ҳомун бўлмаса.

Телбалиқдин, вахки, ҳар дам дардим афзундур, агар  
Ул пари ишқида ҳар дам дардим афзун бўлмаса.

Гар кўнгул қатл истабон сен ваъда қўлдинг таңгла леб,  
Ушбу дам ўлтур, бу ёхсон бирла мамнун бўлмаса.

Хирқа жинсин раҳн учун, эй шайх, олмас пири дайр,  
Бода бермас, токи ўзлук жинси марҳун бўлмаса.

Фони ўл, васл истар ўлсанг, бенаволидин не ғам,  
Бўлмасун ҳаргиз матои дунёни дун бўлмаса.

Эй Навоий, тонма, гар дер ул пари мажнун сени,  
Ошиқ ўлгайму парига, улки мажнун бўлмаса.

\*\*\*

Зулфунг очилиб, орази дилжў била ўйнар,  
Хинду бачае шўхдурур, сув била ўйнар.

Ул шўх кўнгул лавҳин этиб тийра нафасдин,  
Бир тифлур алқиссаки, кўзгу била ўйнар.

Ўйнай-ўйнай боғлади уйқумни фусундин,  
Тоғамзаси ул нарғиси жоду била ўйнар.

Тонг йўқки, кўзунг бўлса кўнгул бирла мулойиб:  
Мажнуниг ажаб йўқ, агар оху била ўйнар.

Бир лўйий бозигар эрур чамбар ичинда,  
Холингки, ўшул ҳалқаи гесу била ўйнар.

Зоҳид била нафс этса тамасхур, не ажабким,  
Ит сайд қилур вақтда тулку била ўйнар.

Муғ дайрида масти ўлса Навоийни кўрунгим,  
Бир олма киби гунбази мену била ўйнар.

### ЭЪТИРОФ ВА МАСЪУЛИЯТ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг  
“Ўзбек Миллӣ академик драма театрининг 100 йилгининг  
нишонлаш тўғрисида”ги қарори соҳа вакиллари, театр  
ижодкорлари, маданий-маътирий фаолият билан шуғулла-  
наётган барча зиёлилар томонидан маминнинг билан кутиб  
олниди. Бу қарор, аввало, театр санъатининг жамият  
даётидаги ўрни, маънавий янгиланиш ва ўзғариларга  
қўшаётган диссаси, ёш авлод камолотидаги беънёс имконият  
яна бир бор эътироф этилаётганидан далолатди. Мазкур  
жараёнга давлат раҳбари томонидан замоҳурлиқ кўрсатилиши  
театр аҳлининг илҳомига илҳом қўшиб, янги мэрраларни  
забт этишга давлат даётган этмоқда.

Ўзбек Миллӣ академик драма театри ташкил топғанига  
роппа-роса бир аср бўлди. Бу шонли тарихда не-не катта во-  
кеалар, унтутилмас спектакл-

риш, ҳалқимизга хос юксак фазилатларни тарғиб қилиш бо-  
расида эътирофга лойиқ иш-  
ларни амалга ошириди. Хоҳ

#### Муносабат

мумтоз, ҳоҳ замонавий асар  
бўлсин, барчасига бирдек  
масъулият билан ёндашиб, кат-  
та-кичик муҳлисинг қалбига  
йўл топган, ҳар бир томошаб-  
инг “Лаббай!”, дега эшик  
очиб, ҳалқа, юрга беминнат  
хизмат қилиб келётган маскан  
ҳам шу театrimиз аслида. Бин-  
обарин, Миллӣ театр — мам-  
лакатнинг бош, пешқадам теа-  
три, ўз номига мувоғиқ мил-  
латнинг ўз театрига асос  
солган кунидир.

Давоми бешинчи саҳифада.

миллий туйғу ва истакларни  
ифода этиладиган, ҳалқ дарду  
ташвиши билан яшайдиган  
даргоҳ. Миллий ўй-ҳаёл, мил-  
лий характер, миллий дунёка-  
раш ва миллий маданиятини ка-  
мол тоғтириш ўзбек театр  
санъатининг азалий вазифаси.  
Ана шу ёзгу мақсаддан амалга  
оширмоқ ниятида ўз фаолияти-  
ни бошлаган ўзбек театр санъа-  
ти бугун янги даврга қадам  
кўйди. Шуни алоҳида таъқид-  
лаш жоизи, бу кутубхоне байрам  
республикамизда фаолият  
кўрсатётган барча театр жа-  
моаларининг ҳам байрамидар.  
Зоро, Миллӣ театрга тамал  
тоши кўйилган кун, том мавно-  
да, ўзбек ҳалқининг, ўзбек мил-  
латнинг ўз театрига асос  
солган кунидир.

Давоми бешинчи саҳифада.

### ЮРАКДА ЯШАЙДИ АСЛ ШОИРЛАР

Умр мазмуни — умримиз изида таралган  
нурди. Бу нур сўз нури бўлса, бир  
дилдан таралиб, минг дилни нурланти-  
ради. Бу нур ҳикмат ва ҳадисат, гўзали-  
ни ва муҳаббат нури бўлса, кўнгиллар  
кўшиқида офтоб мисол порлайди.

Муҳаммад Юсуф  
— дилида қўри,  
сўзида нури бор шоир эди. Хотира ўйонса —  
гўзал, деган ибора қалбимизни қалкитади. Аммо  
ана шу гўзал хотирани ўйотгувчи соҳиб ўз эзгу  
амаллари билан жону жаҳонимизни забт этиб  
кўймаганини? Уни биз ўзимиздан, қалбимиздан  
айро тасаввур этолмаймиз. Чунки у ўз тиник  
кўзигуси билан ҳамиша қаршимизда.

Сиз Ватан ҳақида ўйласангиз, у сизга Ватан-  
ни қандай севиши, қадрлашни ўргата олади.  
Сиз севги, муҳаббат ҳақида хёлга чўмсангиз, у  
севгандо ўзини унугти севади. Сиз беинтиёр мен  
ҳам шундай севолсан эди, дейсиз. Сиз кўриб  
кўзга илмаган қизғалдокни у гўзаликнинг энг  
ёрким тимсолига аллантира олади. Наҳотки.. деган  
сўз қалбинизни қитклидай. Наҳотки, мен  
буни аввалик ҳам қалмагандим, кўрламагандим,  
дейсиз. У сизга бу олам гўзалигини, инсоний  
муҳаббатни, дардни, аламни, сиз кўришини та-  
саввур кўзигундек кўрсата олгани учун ҳам уни  
ўзинги қадар яхши кўра бошлайсиз. Тўғрироғи,  
тан оласиз.

#### Муҳаммад Юсуф таваллудининг 60 йиллиги

бўлиши учун курашишни барча ҳам ўргата олмайди.  
Шунинг учун ҳам улуглар «Баҳтлининг ёнга  
олган одам бахти», деганлар. Нимани нимадек,  
кимни қандай севиш керак? Бу ҳам айтишга  
осон. Вале, Ватанни қандай севиш кераклигини  
насиҳат билан ҳамиша қарашмизда.

Ҳар кимнинг ҳам сочларига оқ тушсин,  
Ажин тушсин, юзларига доғ тушсин.  
Ҳар кимнинг ҳам кувват кетиб белидан,  
Кўлларига асо — бир таёқ тушсин.

Имони соғ, юзга кириб ёрғу юз,  
Тўйлар қилиб елқасидан тօғ тушсин.  
Жисмiga сўнгти сафар олдидан  
Ўз боласи қўлидан тупроқ тушсин.

Давоми иккинчи саҳифада.

# ЮРАКДА ЯШАЙДИ АСЛ ШОИРЛАР

Бошланиши биринчи саҳифада.

Қанчалар содда, айни пайтда қанчалар самимий, рости, шунчалар самимийки, сўқирнинг кўзларини, кар одамнинг кулокларини очиб юборди бу тилак. Айтинг, бу дунёда ҳар бир отанинг, ҳар бир онанинг кўнглининг туб-тубида пинхон муддааси ўз болали кўлидан, ўз она-Ватанидан шу бир сиким тупроқ эмасми?

Онам раҳматлик «Болам, мени тепкилаб-тепкилаб кўминглар», дердилар. Ўйлаб кўрсам, қабримга торган тупроғимни зичлаб-зичлаб кўминглар, деганинг экан. Айтинг, Мухаммаджоннинг «Тилак» номли бу шеъри Ватан ҳақидаги насиҳатсиз наво эмасми? Бу шундай навоки, жону жаҳоннингга чирмашиб олади. Қанчалар осмон бўймайлик, охир-оқибат борар манзилимиз шу она тупроқ эканлигини биз бу шеърни ўқиган заҳоти уқиб оламиз. Шоирнинг ўйлаб шеъларни аша шундай самимият садосида кулокларингиз остида адолат, муҳаббат кўнглироғидек жаранглаб турди. Шунинг учун хам Мухаммад Юсуф элнинг эътироғидаги шоир. Шу боис ҳам каттаю кичик уни бирдек эъзозлайди.



Менга Мухаммад Юсуф билан узоқ йиллар ҳамкор, ҳамфир, ҳамдард бўлиб юриш насиб этган. Умрингин сўнгги йилларида Паркентнинг Кумушкон, Сўқоқ дам олиш ўйлари, том маънода, шоирнинг иходи ўйиг айлананди. Биз Мухаммаджон билан Кумушкон дам олиш ўйда бирга иход қўлганмиз. Дам олувчилар, туман ахли билан кўплаб учрашувларни бирга тутказганимиз.

Мухаммад Юсуфнинг она зотига Мехр-муҳаббати, ҳурмати, иззати бўлса эди. Шоир бежизга «Кимда фам кўп бўлса, у менинг онам!..» деган эмас.

Отамиз дунёдан эрта кетгани, онам кирк ёшида тўрт бола билан қолиб кетгани боис, бир инсон ҳаётда кўриши мумкин бўлган барча азоб-укубатларни кўрган эди наездимда. Шунинг учун кўзларida, чеҳрасида, сўзларida оддий одам англаб ололмайдиган дард зуҳур эди. Мухаммаджон эса буни шундай ифода қилди.

— Ака, онахоннинг кўзларida дард ва шукронга коришик. Мен бу кўзларда меҳру оқибат дарёсини, рости бутун бир Ватанинг кўяриман. Шундай онага фарзанд бўлиб, шоир бўлмасликнинг ўзи гуноҳ, — деди ва Миртимер домланинг «Онагинам, одам бўлдимми мен ҳам...» сатрлари билан бошлинуви «Онагинам» шеъридан саккиз мисра ўқиди.

Она — умримиз боғидаги беминнат боғбон. Она — меҳримиз дарё-

сининг мироби. Соғинч деган сўз ҳам она қалбида биз билан бирга туғилган. Дунёда ҳеч зот она ўз фарзандини соғинган каби соғинч-маса керак. Онасини соғинган фарзанд ҳам соғинчдан туғилган соғинчига ўҳшайди.

Мухаммад Юсуфнинг шеъларига кўр берган ҳам ана шу соғинч десам ўринли бўлади. У ўзгалар дардини, алам, изтиробини, севги-

насиб этди. Аммо бир армон дилни эзади. Эл сўйган шоир орамиздан эрта кетди.

Кўнглим қолса булбулдан ҳам, гулдан ҳам, Колар бўлсан бир кун ахир тилдан ҳам, Агар бир зот йигласа чин дилдан ҳам, Онам йиглар, онам йиглар, онам у...

«Ота-она ўлмок мерос», деган ибора бор ҳалкимизда. Аммо фарзанд доғи... Тогни чўқтиргувчи, чинорни чўп қилгувчи азоб... Афсуски, Мухаммаджоннинг муштипар онаси Энахон ах ана шу азоб ўтида қовриди. Юрбошимизнинг тазия изхор қилиб Энахон аяга йўллаган мактубидаги дилга таскин берувчи, дардга маҳмал бўлгувчи фикр-муҳазалари фамдийда онанинг кўнглини кўттарди, ташаккурига мушарраф бўлди. Айни пайтда кенг жамоатчилик томонидан ҳам бу мактуб самими эътироф этилди.

Муҳаммад Юсуф ҳақидаги хотира бу эзгулик ҳақидаги, муҳаббат ва гўззалик ҳақидаги хотира. У нимага кўл урса, қойил килишга ҳаракат қиларди. Ҳатто бир инсон сифатида ўзарлиги, инжиқлиги, айниқса эркалиги ўзига яшарди. Шоирнинг бетакрор шеърияти тимсолида ундан ҳалкимизга меҳр қолди, муҳаббат қолди. Бу, аввало, она-Ватана, заҳматкаш, меҳнаткаш ҳалқига, жонажон Ўзбекистонига бўлган муҳаббат.

Ёмғир ёғар шитирлаб,  
Нурии ипак толалар.  
Баҳор келса қўцирлаб,  
Кирга чиқар лолалар.  
Лолалар ҳар жойда бор,  
Бизда бори қайдада бор?

Дунё кенг. Бу оламнинг сўлим-сўлим гўшалари бисёр. Аммо шоир айтмоқчи. Шоҳимардон ҳам: тўзал Сурхон ҳам; Самарқанд ҳам факат жаннатмонанд Узбекистонда. Энг муҳими, кўнгиллари бошларидаги рўмолларидек оплок, ғанимга ҳам омонлик тилагувчи момолар бизда. Ўйига меҳмон симай қолиб, кўргатшага етмай қолса тўнини тўшаб берадиган ҳалқ боз бўламиш. Ана шу фарҳ, ана шу ифтихор шоирнинг аксариёт шеърларида бодом гулларидек кўпилир турди.

Мухаммаджоннинг «Кўхна қудук» достонида шундай жумлалар бор: «Кўксингда саволинг бўлмаса дунёга нега келдинг, отингдан айланай, Иносит?» Имонда, эътиқодда, қиндиқ кони томган она заминга муҳаббатда событ ҳар инсоннинг қалбидаги савол юз очади: «Элу юртимга муносиб фарзанд бўлдилмим, тарбиялаб камолга етказган, оқ сут берган ота-онам мендан розими, сафларда ўрним, кадрим борми?..». Шу саволлар олдида юзи ёруғ

одам юрт йўлларидаги қаддини фоз тутиб юра олади.

Бирордан қарзи бор одам елкасидаги юқин иргитиб ташломайди. Элу юрт, Ватан олдидағи қарзини хис қўлган инсон ҳам ҳамиша хушёр ва тийрак назар билан юради. Тийрак назарли шоиргина «Жайрон нега кўзинг тўла ўш?» деган саволни бера олади. «Капалаклар одамлардан меҳрибон», дейиш учун капалакларни губорсиз назар билан кузатмок даркор.

Босма, бу майса — култу, Майсалар — қувноқ ўтлар. Кўзешу кулфатлар у — Қириучи самолётлар.

Майсани асраш даркорлигини, у она тупроқнинг кулгуси эканлигини, ҳар бир жонзотни, ҳар бир набототни асраш бу инсоннинг ўзини, қалбини, айни пайтда Ватанини асраш эканлигини Мухаммад Юсуф ўз шеъларида насиҳатсиз айтади. «Синглимга мактуб» шеъридаги ўзи туғилиб ўстган қишлоқ манзарасини, демакки, Ватан сувратини қанчалар моҳирона чизган.

У ёқда шотутлар

Тўкилар сувга,  
Қовувлар ёрилар,  
Сен ўйд қарайсан,  
Тупроқ кўчаларда,  
Муштоқ кечаларда,  
Ёз — мени соғини сарғайган майса.

Кўёшли юртимиз ёзининг кўксисига бунингдек гўзал ташбехдан тумор тақиши Муҳаммад Юсуфа хос топилди. Шеъриятдаги бу соддалик талайгина мурakkabliklar имтиҳонидан ўтган шоиргагина насиб ётади. Айни пайтда Муҳаммад Юсуф мустабид тузум даврида ҳалкимиз бошига тушган азоб-укубатларни шеъру достонларида шу қадар алам ва ўқинч билан, жон ипини қалам қилиб, дил қони билан битади. «Қора кўёши достони ана шундай асралар сирасига киради.

Ватан — аслида шоир юрагидаги гул. Шоир ҳеч қочон бу гулнинг сўлишини, завол топишини истамайди. Унинг чирой ошиши, яшашни шоирни яйратади. Шунинг учун ҳам Муҳаммад Юсуф:

Фидойинг бўлгаймиз сени, Ўзбекистон, Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон!

дегандан нақадар ҳақ эди.

Ҳак сўз эса энинг элағидан ўтган сўз бўлади. Улуғларимиз истебод инсонга ўзини эмас, ўзгалирни баҳтиёр килиш учун берилади, дегандар. Муҳаммад Юсуф каби бетакрор, беназир шоирлари кўп бўлган ҳалқ ҳамиша фурӯва ифтихор билан ўтказди.

Муҳаммад Юсуф қазо қилган куни Андиконга бориб келгунча ўқинч ва алам билан «Изтироф» номли бир шеър коралаганди. У шундай яқунланади:

Беҳишт болини берсин, булбул шоирим,  
Изингда интизор минг гул, шоирим,  
Йўқ, сен ўлтанинг йўқ буткул шоирим,  
Ўзбек олиб юар жонига қўшиб,  
Қашлоқ кетиб қолдиган, Муҳаммад Юсуф?

Махмуд ТОИР,  
Ўзбекистон ҳалқ шоири

Давлатимиз раҳбарининг замонамиз қилиш ва улардан фойдаланиши, авлодларга етказиш масадидаги олтмишдан ортиқ объекtlarda қайта ташла, реставрация ишлари олиб борилди. Буюк Илак Йўлнинг Ўзбекистон худудида жойлашган 9 та обиди умумхажон мадданий ва табиии мероси рўйхатига кириши учун ЮНЕСКОга тақдим этилган ҳам бу

зилгани юртимизда спортнинг ривожига қаратилётган юксак эътибор натижасидир.

Хайъат йигилишида эришилган ютуқлар билан бирга йўл кўйилган камчиликлар, ижросини кутиб турган масалалар, алоҳида эътибор қаратилиши лозим бўлган вазифалар, шунингдек, ишга солинмаган имкониятлар мавжудлиги айтиб ўтади.

Давлатимиз раҳбарининг маъруза-сида кўрсатиб ўтилганидек, мавжуд имкониятларни сафарлар этган холда бугунги кун талабларидан келиб чиқиб, ахолининг маънавий ва маданий ҳаётидаги мумкин ўрин тутувни мусаласаларда юқори савида хизмат кўрсатишни йўлга кўйиш, ёшларни, айниқса, киз болаларни спортга янада кенг кўламда жалил киши, ёшларнинг санъатида спорту соҳаларидаги иқтидорларни кўллаб-куватлашва ва рағбатлантиришга қаратилган вазифаларни юқори суръатлари билан рivojlanтиришга алоҳида.

Йигилишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамаси маъжисидаги мавзузасини чукур ўрганиш, жойларда кенг тушунтирилишини ташкил этиши, унда белгиланган вазифаларни бажариш хамда бошқа устувор йўналишлар белgilab олинди.

Ахборот хизмати.

Сўздан сўзининг Фарқа бор...

**“ҲАММОЛ” ВА “ҲОМИЛА”**

Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонининг 53-боби – шаҳзода Шоҳариб Баҳодирга бағишиланган бобида шундай сатрлар бор:

Бу дого топмагунча ҳазм комил,  
Баданин қилма ортиқ юқка ҳомил.

Яни, еган овқатнинг тўлиқ ҳазм бўлмагунча, ейишдан тийил. Танангни ортиқа овқатнинг ҳаммолига айлантирма!

Бу сатрларни ўқиётib, бирдан ўйлаб қолдим, демак, «ҳаммол» ва «ҳомила», «ҳомиладор» сўзлари бир хил илдиздан ўсбичикан экан-да. Сўнг бу сўзларнинг асл томирини билиши учун «Ўзбек тилининг этиологик лугати»ни варакладим. Қарангки, «ҳаммол» сўзи ҳам, «ҳомила» сўзи ҳам араб тилидаги «ҳамала» Феълининг «кўтариб олиб юри» маъносидан келиб чиқкан экан.

## МАГАЗИНДАГИ ҲАЗИНА

Магазин. Бир қарашда бу сўз русча сўзга ўшайди. Лекин у асли шарққа оид, яны арабча бўлиб, «маҳазин» шаклида бўлган ва бошқа тилларга кўчган. Алишер Навоийнинг машҳур:

Йигитликда йиг имнинг маҳзанинг  
Қариллик чори ҳарж қилғил ани, —

сатрларидаги «маҳзан» сўзи ҳам асли шу сўзга бориб тақалади. Бу сўзларнинг шаклига дикъат билан қаралса, уларнинг таркибида «ҳазина» сўзининг борлигини сизиш мумкин. «Махазин» сўзининг туб илдиши «сақлади», «тўплади» деган маънони англатган.

## ОРГАНИЗМ ВА АРГАНУН

Арганун. Мусиқа асбоби организмнинг шаркона номи «арганун» бўлган. Бир қарашда «орган» билан «арганун» бир-бираидан узоқдай туюлади. Кизиги шундаки, организнинг «арганун» шакли қадимги тилимизда бўлган. Алишер Навоийнинг «Лисон ут-тай» асарида шундай сатрлар бор:

Савти ноқиси навои арганун,  
Шайх дини мотамиға тортиб ун.

Орган сўзининг туб илдиши юнон тилида «курол», «асбоб» деган мазмунни билдиран. «Организм» сўзи ҳам шу сўздан келиб чиқкан, яны «организм» сўзининг туб илдиши ҳам «курол» деган маънони англатган.

Қаранг-а, биргина «арганун» деган сўз қанча тарихларни босиб ўтиб келяпти.

Орган XIV асрдан Фарбий Европада аввал черков, кейинчалик дунёвий чолгу асбоби сифатида кенг тарқалган.

Эшқобил ШУКУР

## ЭЛ АРДОҒИДА

Н

# ҒАЙРАТ ВА ҲИММАТ ЗАРУР

Бошланиши биринчи саҳифада.

Қизиги шундаки, Навоийдан бир аср кейин ижод киғлан Вильям Шекспир драма ва сонетларида айнан Навоий илгари сурган комил инсон яғосиши тарғиб этади. Шунингдек, Уйғониш даври шоирлари — Шекспир, Петрапка, Чосер ижодида Навоий Шарқдан турип тарарнин этган инсоннинг буюклиги, коинотиннинг яратилишидан муддоа айнан одам экани, унинг қадри пасайиб кетмаслиги хакидаги гуманистик боғлар акс этган. Ана шу боғлар Европа уйғониш даврига асос бўлди, таркидунчиларининг барҳан топишни хизмат килид. Бундай алоқадорлик сабаби, шубҳасиз, ҳалқлар ўртасида адабий кўпрук вазифасини ўтаб келаётган таржимачилик фаолияти билан боғлик. Чунончи, 1557 йилда Майл Трамезинно томонидан "Сардигининг уч шаҳзодаси" номли китоб Венециядаги италиян тилида чоп этирилади. Муаллиф муддимада асанри форс тилидаги эртакни итальянчада сўзлаб берган Христофор Арманодан эшит-



ганлари асосида ёзганини таъкидлаб ўтади. Шарқшунон олимларнинг фикрича, мазкур китоб иккни мустақил сюжетдан таркиб топган. Унинг биринчи кисми Амир Ҳусрав Дехлавийнинг "Хашт би-хишт" ("Саккис жаннат") достонидан олинган бир хикоя асосида ёзилган. Иккичи кисмидаги асосий воеқа — Баҳром Гур ва Дијором саргузашлари баён қилинган. Бу асар итальян тилида бир неча маротаба нашр этилиб, шу тилдан немис, француз, голланд тилларига ўтирилади. Аммо ҳеч қаерда на Дехлавий, на Навоийном көлтирилмайди. Асар сюжетларидан бирининг генезиси Навоийга тегиши экани гарб шарқшунослари томонидан кейинчалик аниқланди.

Шекспир итальян тилини яхши билган ва итальян сонети асосчиси Франческо Петрапка ижоди билан қизиқанди. Шарқда Навоий түрк тил мавқенини юқаска кўтаргандик. Фарбда Шекспир итальян сонетининг темир қонуларини ўзгартириб, инглиз сонетининг ўзгармаси вазининяратди. Шекспир шарқшуносларнинг айтишича, 1585 — 1592 йилларда Шекспир ижоди кўзга кўриниб қолган. Айни шу пайтда Трамезиннинг машҳур "асарин" кўп тилларга таржима қилинган. Шу маънода айтиши мумкини, шуа машҳур китобни Шекспир ўқиган булиши эҳтимолдан коли эмас. Шарқшунос олим Р.Бойланинг 2000 йил нашр этилган иммий рисоласида қайд этилишича, мазкур китоб Европада ўша даврда кўмла-кўл ўқилган. Олимнинг таъқидашибиши, мазкур асар Бакоҷонинг "Декамерон"идек машҳур бўлган, 1584 йили Венециядаги кайта нашр этилган. Фарбда мазкур асар тадқиқка оид янгидан-янги иммий шарқшунонни олиб борилаётгани хам ўтибогра молик. Умуман, бу йўналишда жиддий текстологик тадқиқотлар олиб борилса, Навоий ижодининг гарба тасири янада оидинлашди. Навоий фазалиёти ва Шекспир шеърияти ўртасидаги фарқ шундаки, Шекспир содда ўшташишлар орқали комил инсон ҳақидаги ғояларга ишора қилинган бўлса, Навоий бу йўлда латиф тешебхлар ва мураккаб сўз ўйинлари, турли қочирилмалри кўллайди. Шу биргина далил хам ўша даврларда Шарқ ва Фарб дунёкараси ва тафаккур кўллами кай даражада бўлганинг кўрсатади.

Дарҳакиқат, Алишер Навоий фазалиёти Шарқа Гарбни бирдек мафтун этиладиган дараҷада гўзал ва мукаммал. Нафакат Шекспир, балки Гёте ва бошқа даҳо сўз санъаткорлари



Гулноза ОДИЛОВА,  
ЎзМУ доценти

т

# ЁРНИНГ ПАЙГОМИ

Навоийшуносликда ядин-ялнингча Алишер Навоий Самарқанддан Ҳиротта ўз хоҳиши билан қайтада, деган фикр устувор эди. Кейинги тадқиқотларда Ҳусайн Бойқаронинг махсус фармони билан чақиритириб олинганинг ўтироф этилмоқда.

"Хазойин ул-маоний"нинг "Фаройиб ус-сигар" девонига киритилган:

Ваҳӣ нозил бўлди ёхуд ёрнинг пайғомидур.  
Ким ғамим таскини ғамгин хотирим оромидур —

байти билан бошланадиган фазал ҳудди шу воеқа баёнига бағишилангандай таассурот қолдиди. Фазалдаги бутур бир яхлит фикр "ёр"дан келган "пайғом"-хабарни таърифи тасвиғлашга қаратилган бўллиб, ўз навбатида, шоирнинг кўтаринкин кайфиятини ифодалайди. Навоийнинг таъкидлашича, бу "пайғом" унинг учун мукаддас "ваҳӣ"dir. "Ваҳӣ" мусулмон дини тарихидан Мұхаммад пайғамбарга Аллоҳ томонидан иборилган хабар. "Ваҳӣ" — "нозил бўлмок" юқоридан пастга тушмок, энном мавъноларини беради. Алишер Навоий учун бунчалик азиз бўлган ва худонинг сўзига кўяс килгудек даражада мукаддас санаалган бу пайғом кимдан келган бўлиши мумкин?

Маълумки, мумтоз шеъриятда "ёр" сўзи маъшуқадан

ташкари дўст, яқин, кариндош маъноларини хам англатади. Агар байтдаги "ёр"ни маъшуқа деб ҳисоблайдиган бўлсан, гарчанд у шоир учун жуда қадрал бўлса-да, "ваҳӣ" — Аллоҳнинг сўзига тенг дараҷада баҳоланиши мумкин эмас. Чунки ҳазрат Навоий дин борасида ҳам чукур илмга эга бўлган. У бундай кайёни маъшуқа

мактубига нисбатан кўлмаган бўлар эди. "Нозил бўлмок" — юқоридан пастга тушмок маъносини англатганини туғайли бирор яқини бўлса керак, деб ҳам айта олмаймиз. Бизнингча, юқори бу — давлат, подшолик, шоир эса, фуқаро. Подшоликдан ўз фуқароси учун маҳсус юборилган пайғомни "ваҳӣ"га киёсласа, арзиди. Демак, байтдаги "ёр" бу Алишер Навоийнинг дўсти, дўст эса ўз навбатида Ҳусайн Бойқаро бўлиши мумкин.

Иккичи мисранинг мазмuni хам фикримизни тасдиқлади. Навоий Самарқандда шаҳар юқими Султон Аҳмад томонидан ҳурмат-иззатга эга бўлган эса-да, ўзи туғилиб ўғсан юргита қайтиш иштиёқи билан яшаган. Аммо бунга эришиш мушкулугидан азобланган. Мактуб ана шундай ғамгин кайфиятдаги шоирга таскин бағишил, унинг руҳини кўттарган, она юргига қайтиш умидини ўйғотган.

Сағҳайи коғир уза мушкин рақамкин айламши  
Гүйе субҳи саодат узра давлат шомидур.



— Жаноб Гарри, бугунги  
кунда ҳаэрт Алишер Навоий  
шеъриятининг Фарб мамла-  
катларида ўқилиши, ўрганиши  
да кўнглинишади?

— Афсуски, шеърият бугунги  
кунда Фарбда ўтмишда бўлгани  
каби машҳур смас. Кишилар тे-  
ран мушҳадалар бадиий тас-  
вирий воситаларга йўргилган  
асарлардан кўра тез ўқилади-  
ган енгил фактик ахборотлар-  
ни афаф биладилар.

Алишер Навоий асарларининг инглиз тилига  
таржимаси ва уларнинг чет элларга тарбиботи-  
ни кучайтириш долзарб вазифалар сирасидан.

Арз вазинидаги асарлар инглиз китобхони учун

бегона оҳангга эзалиги боис яқин-яқинларчага

ушбу вазндан ёзилган шеърни инглиз тили

халқлар қабул қилолмайди, деган қараш мавжуд

эди. Аммо хорижлик шоирлар орасида кейинги

пайтада пайдо бўлган фазал ёзиш анъана

бу борада кенг имкониятлар эшигини очди.

Истиқола ўришганимиздан кейин ўзбекистон-  
да Навоий ижодига, улкан меросига ўтиб ўзин-  
нинг юксак ўқисига кўтарилиди ва Фарбда хам қизи-  
киш тобора ортиб боряпти. Бу жараёнда улғ шоир

ижоди намуналарни жаҳон ҳалқларига тар-  
жима килишга кизиқиш кучайтиши рост. Ҳолбуки,

утган асрда Л.Левиева ва Д.Ротенберг каби

муҳахассисларининг 1958 йили Москвада чоп этилган

"Uzbek poetry" номли тўпламидан Навоийнинг

"Фарҳод ва Ширин" достонидан Фарҳод ва Ҳусрав

диалоги, хикмати сўзларидан айрим намуналар

аттича газали киритилган эди, холос.

Шу маънода улғ шоир асарлари Й.Парда,

Л.Кметюк ва К.Маймурдов таржимасида инглиз

ва немис тилида 2000 йилда чоп этилган "Уммондан

дурлар. Газаллар, хикматлар ва робийлардан

намуналар" номли китоб бу борадаги дастлабки

жиддий қадамлардан бўлди.

2009 йилда Германиянинг Фрайе университети

симвозиумида ўқилган маърузалар асосида тай-  
ёрланган "Mir Alisiz Nawai" номли тўпламага тўккиз-  
та мақоласида З.Клейниҳол шоир ижоди, кундаклар

турмуш, фазал ёзиш конуниятлари, шарқона фазал

оҳанг каби муммалорни еттига фаслаға бўллиб

ўрганган, шарҳлаб берган. Таржимонлар

М.Эргашев Жан Жаке билан ҳамкорлиқда

французы тилида таржима қилинган Навоий

робийларни ўтирилди.

Гарчи Навоий асарлари немис, французы оли-  
м ва таржимонлари томонидан бир қадар ўрга-  
нилган, ўғирдиган бўлса-да, бу борада инглиз тили-  
га мушҳадаларни аниқлайдиган. Бундай тас-  
вирий воситаларга йўргилган мактуба-да

мушҳадаларни аниқлайдиган. Бундай тас-  
вирий воситаларга йўргилган мак

Шодмонкул САЛОМ

# СЕНДАН КЕЙИН МАТЛАБ ЙҮК...

## ВАТАН ХАҚИДА ШЕР

Сендан бошқа үй ийдир, мендан бошқа девона, Бир ховуч кўнгил бергил, остоғонинг юрибман. Шамол ўчириган шамга туш уради парвона: "Менинг аждодим — олов! Олов сўраб турибман!"

Сендан бошқа манзил йўқ, мендан бошқа девона, Сендан бошқа кўшик йўқ, мендан бошқа сўзона, Сендан аччиқ алам йўқ, мендан гариф вайронга, Сендан кейин матлаф йўқ, мен ҳам сендан ишона, Эй, сен, кутуб юлдузим, мен ҳам нурининг ўёлиман, Карвонинг бўйнидаги кўнироқнинг тилиман. Асрларнинг ортида ойдек ботмай турибман, Ҳар тун шамолдай кезиб бўйингдан маст юрибман.

Саҳрода Будда каби кум санайди асрлар, Кумлар тўлиб кўзига, сароб элтган басирлар, Адашгинлар, топтагинлар, бойёнлару есиirlar, Кимлигимни эсласам, ҳар бир бандон қисирлар, Саҳифалар қатиди вайроналар гусирлар, Лек бир гиши кўчмасдан турар кутулғ қасрлар, Тарҳини имон чизиб, туг қадамиш ботирлар, Либоси ой нуридан ўтиб бормоқишилар, Елкаларни оқариб, ҳар елкаси шаҳарлар, Мен шу шаҳар багридан толе сўраб турибман.

Дубулга довуллар садоси эл кезганди, Қибласидан адашган даврон базм тузганди, Азиз китобларини ишпуд котиб бузганди, Сўнг шаҳодат баромғин лабларига босганди, Боболар манглайдан шараф қони изгаんだ, Дунёсини бир киссамга жойлашман, Юрагимда менинг шундай шавқим бор, Кумсаб туринг дилни дунёлошлар-еъ, Бойсунтоғдан юмалади тошлар-еъ.



Қани? Айтинг, тушунтириинг, юпатинг, Огаларим, жўрако иниларим.

Тақаланган отман — этик бошлар-еъ, Кўкрагимда гурсизлайди тошлар-еъ.

Алпинг ҳидин олиб бўзлар Бойчибор, Бир отчалик кўнглини йўқми эй, шунқор? Дунёсини бир киссамга жойлашман, Юрагимда менинг шундай шавқим бор, Кумсаб туринг дилни дунёлошлар-еъ, Бойсунтоғдан юмалади тошлар-еъ.

## ЗАРБИБИ АММА МАТЛАПЛАРИ

Ой — кўзисин йўқоттани чўпон, Мазлаб кўтар нурлари билан. Кўзичоги менинг гул кўнглим Ачомлашар тошлари билан.

Ой — от миниб келаёттани чўпон, Қор оралаб ўйтгар йўргаси. Аёз — бўри, угуллар, аммо Маърамайди тоғлар жилғаси.

Қўра олис — уғқ ортида, Чўпон дилтир, оти ҳориган. Менинг эса бошимни силар, Дудук отам, кафти терлаган.

Сандалгами кўксини бериб, Матал сўйлар отам кўллари. Боз бармоқи тўнгич баҳодирлар ёзмохва хош Хазинага элтар йўллари...

Қорашибоқ — кушуқу онам, Қора тунни қордай қурайди. Тошлариминг ташқарисида Бир кўзичоқ ожиз маърамайди.

Самовотда ёлиз, салт отлиқ, Ва мингларча жондор кўзлари. Гоҳ балзиси ўтди учиб, Кўкини бир зум тилар излари.

От дупури... Сергакдир отам, Ўйдан чиқиб тунга киради. Дўқиллатиб этикларини Ўй сиртига томон юради.

Елқасидан қорни тушириб, Сўнг киришар отам ва чўпон. Кўлларрида митги кўзичоқ, Вой, кўзлари қоп-кора маржон!

Тушларимда баҳор бошланар, Дикир-дикир... Ўтлар кўзичоқ. Аёз, жондор, бойчек ҳақда Отам, чўпон ва қорачироқ, Сухбатлари баҳордай узок.

Магур тоғлар бу дам недан хомушлар, Зериккандай, ториқкандай туршилар. Болаликни қай газага кўмгандик, Эсласантиз, бир кўрсатинг танишлар. Бир гардини суртади кўз қошлар-еъ, Бойсунтоғдан юмалади тошлар-еъ.

Шом қавариб, тонг оқарган паллалар, Кўкбийда чайжаларди далалар. Тўғданоннинг шохиди бир беланчак, Согинч менинг уйку бермай аллалар. Қайтмайдими шоҳдан унган кушлар-еъ, Бойсунтоғдан юмалади тошлар-еъ.

Дараларда озод қулуң кунларим, Ойни отта тақа қилган тунларим.

Фирдавс ОБИД ўғли

## ҚАРШИМДА ҚИҚИРЛАБ УЧАДИ ЧАНА



### ТЕМИРЧИЛИК САБОФИ

Ёниш керак, кўйиш керак дунёда, То сўнти нафас ҳам олов бўлмоқ шарт. Тошпоклар эрир оташдан бунда, Сиздан ўнрак олиб яшасин башар.

Ёниш керак, ахир тоғмасдан барҳам, Биз қўлган мақсадлар сифсиз ақдла. Ёна-ёна оташ бўлган темир ҳам Охри киражак ажаб шакла.

Қадимги юноналар — ялангоч ҳайкал. Тошларга беркинган фикрлар юпун. Фиддирек айланиб берар-да сайқал, Сўзга боқажакдир борича бутун.

Шеърим, кўчаларда йиллар алмашди, Ўйғонинг, юзинг чай, мудрама энди! Чўпон, кечаларда йиллар алмашди, Бўрилар йўқ энди, ўтлоқча келдик.

Кимдир йўқоттанин кимлардир топган, Эски ғоялардан кўнгил эзилар. Ялангоч ҳайкаллар тарихда қолган, Ялангоч фикрлар ҳар ерда кезар.

\* \* \*

Уша қор ёғади бутун, янгитдан, Эски дафтаришни вараклаб сокин. Оқ тузон тупроқнинг юзига чангидти, Барчаси ёдимга тушади секин.

Муҳаббат, ҳаяжон, бўғриқсан нафас, Қаршимда қиқирилаб учади чана. Нуқул қор эслатар ўша куннимас, Эски палтойимга кулган қизчани.

Январ елкасига осмон пўстинини ташлаб, секин оёқлади. Баъзи-базида офтобнинг эхтиросли шивирлари юракнинг кулогига чалинади. Ва ниҳоят феврал кириб келади. Бу ойнинг кириб келиши билан изгирили кунлар яна озодликка чиқади. Феврал аёзининг ҳикматини қаранг: чидаганга чиқарган бу ҳаётни, дейди. Яна кўнгил деразаларига эринмай гул чизади. Мавхум шакллар суратини машхур мусаввирилардан ҳам зўр чизади.

Феврал ҳикмату сирларга тўла ой. Бу ой қиши билан баҳорнинг ўртасидаги кўпrikка ўхшайди. Ундан шиддат кор остидаги бойчек, бинафа, ялпизларнинг кўшиғига куй басталайди. Ҳаётнинг корнидаги яшил фаслига изтиробдан туғиладиган ишкнинг, умиднинг сабогини ўтайди.

Феврал ойида туғилганларга ҳавасимни шаҳасимни оширилди. Аммо бу ойда туғилганларнинг барнига жоннинг турнига ўтади.

Хазону корлар кўмиб кетган хотираларнинг нақшинкор даричасини очаман: бобомнинг рабоқли кулбаси, кулба ўртасида сандали, ундан сал нарироқда катта сандик. Сандалга оёғини тикиб, саксовул чўғидан хузур топаётган бобом мук тушиб китоб ўқиди:

**Истаганлар бизни саҳрои  
балода истангиз,  
Водийи ҳижрон ила дашти  
фанода истангиз.**

Бобом йиғлаб ўқиди, бағри конга тўлиб ўқиди.

Ташқариди гоҳ капалакка, гоҳ оқуғашга ўхшаб ёғаётган қорлар

**Халима АХМЕДОВА**

унинг кўз ёшларини артаман. Бобом ширин жилмайди. Менинг эркалайди. Кўлларимга парвардаю туршаклар беради. Ёнига жойлашиб ўтириб ола-ман. Менинг газалхон бобом бирпастда хув ўша баланд осмондан тушиб, оддийгина меҳрибон бобога айланади. Мен эса уни доим фазал ўқигандаги чиқадиган ўюксакликда кўриши истайман. Бобомга эркалар киламан:

— Бобо, чиройли суратлари бор китобинизни беринг.

Бобом тоқчадан мен севиб суратларини томоша қиласидаги жигарранг китобни олиб беради. Сандалнинг чўғига оёғимни тоблаб китобни аста варақлайман. Унда чиройли бир йигит билан қизнинг, кенг саҳрода югуртиб юрганинг суратлари бор...

Бобом менга таъкидлайди:

— Бу Ҳазрат Навоийнинг «Лайли ва Мажнун» достони. Эхтиёт бўл, яна йириктай.

Мен бобомни саволга кўмаман:

— Лайли ва Мажнун нима дегани?

Бобом оғир тин олади. Ва лўндағина жавоб беради:

— Ҳали ўкишин ўргансанг, ўзинг



бобомнинг овозини эшитади. Ва дераазадан ичкарига секин мўралайди. Бобом ўқида давом этади:

**Вомиқу Фарҳоду Мажнундеклар  
ул водий аро,**

**Бўлсалар пайдо, мени ҳам**

**тудро да истангиз.**

Сўзнинг бағридан ишқдан, сўзнинг жавҳаридаги ҳароратдан эриб кетади калапак қорлар, оқуғаш қорлар...

Исмиз саҳрода қалбини йўқотган талбадек жунунланади бобомнинг ноласи:

**Юз аларининг ишқида дарду,**

**баълоу гуссага**

**Толиб эл бошига келган**

**можарода истангиз.**

Кулба ёнида қорга кўмилган чинор бу ноладан кучланади. Ва оғир силькинади. Унинг силикинишидан минг йиллик гуссалар тўқилади. Замин се-кинингда оҳ трошиб кўяди. Бу оҳ бориб яна бобомнинг қалбига чирмашади:

**Эйки истарсиз саводул важҳ**

**фиддорайндин,**

**Боҳабар бўлмоқ мени юзи**

**карода истангиз.**

Энди борлиқ юзини аёзининг совук тирноклари тирнай бошлидай. Илоҳий азоб ортида кўриниб турган ҳаловат ширини энтиқади. Кулбадан тараалаётган оҳанг аёзининг юрагини илтигади:

**Кўнглум ул зулф ичрадир,**

**зинҳор ишқим шарҳини,**

**Истаманг мен телбада,**

**ул мубталода истангиз.**

Совук шамоллар муз устида сиргаби югради. Тириклик зулфида осини билан қолган бир тола умид минг толага айланади. Ва ишқ шарҳини тузган азол котига юстиғор айлайди.

Шу лаҳзада бобомнинг кулбаси жоннадан ўғридан ўғирланган олмага айланади. Олманинг ичидан эса шаффо соғинчнинг мукамбар ифори та-радади:

**Нұкта янглигим, вафо узра**

**қиурул котиб рақам,**

**Ишқ ўтишининг доғини аҳли**

**вафода истангиз.**

Музлаб қолган ариқчанинг кўзлари осмонга тўлади. Ариқчанинг кўзидан осмон сирғалиб чиқади-да, бобомнинг овозига келиб кўшилади:

**Оғзи шавқидин Навоий итти,**

**они истар эл.**

**Ё адам даштида, ё мулк**

**фанода истангиз...**

Бобом газални ўқиб тутагади. Дераза ортида менинг рангин тутмагачалар кадалган калишам корга тўлади. Аммо совук котмайман. Бобом кироат билан ўқиган газалнинг кўшиди. Шу дамда ичкарида ўтирган бобомни котибни бомалол ўқиб бошлидади. Аммо уни ҳануз уқий олмасадим. Айниска, суратдаги ўқигитни нега занжирлаб кў

Зикир МУҲАММАДЖОНОВ:

# ОПЕРАДА АШУЛА ҲАМ “АЙТГАНМАН”

Атоқли санъаткор, Ўзбекистон Қаҳрамони, Ҳалқ артисти Зикир Муҳаммаджонов сийоси унинг миллӣ академик театри саҳнасида яраттан ранг-баранг образлари билан ҳалимиз кӯз ўнгида сақланиб қолган. Миллӣ театримиз саҳнасида улуг шоир ва давлат арабби Алишер Навоий образини яраттани (“Алишер Навоий” спектакли, 1990 йил) билан ҳам санъат ихлосмандлари мұхаббатига сазовор бўлган.


Қуйинда Зикир Муҳаммаджоновининг Алишер Навоийнинг “Сабъан сайёй” асарини суратга олинган “Дилором” фильм-операсида ўзи ижро этган Шоҳ Бахром образи билан боғлиқ қайдномаларини ётиборингизга ҳавола этимис.

Бу воехани эшигит кўпчилик хайрон бўлса керак. Дарҳақиқат, драма театри актёри қандай килиб операда кўлаши мумкин! Иходий жараён шундай сир-синоати дунёки, унда кутилмаган воқеалар, ҳаёлга ҳам келмайдиган ишлар содир бўлиб туради. Аслида актёр ҳамма нарсага тайёр бўлиши, ҳамма ишнинг үдасидан чиқа билиши керак. Яна ҳам аниқроқ айтадиган бўлсан, ижро этадиган ролинг қайси касбдаги кишига таалуқли эканига қараб, унинг мутахассислигини қисман бўлса ҳам ўрганишга мажбурсан. Чунки ижро этадиган ролинг эгасига хос ишларнинг үдасидан чиқа олмасанг, образ соҳта бўлиб қолиши, томошабинларни ишонтира олмаслигинг мумкин. Албатта, операда ашула айтолмаслигим аниқ. Опера артистидан овоз ҳам, ижро маҳорати ҳам бирдек юқори даражада бўлиши керак. Ҳуллас, опера артисти бўлиш ҳамма үддалаб кетаврадиган иш эмас.

Санъат ихлосмандлари яхши билади. Буюк мутафаккир Алишер Навоийнинг “Сабъан сайёй” достони асосида композитор Муҳтор Ашрафий яратган “Дилором” операсида Шоҳ Бахром ролини саҳнада таникли санъаткор Сасон Беняминов ижро этади. Менинг эса шу ролни кинода ижро этишим керак бўлиб колди. Гап шундаки, “Дилором” операси филмида ролни мен ижро этаману, овоз С.Беняминовини бўлади. Бунга ҳайрон бўлманд. Замонавий кино техникаси бунга имкон беради. Аммо бу ижрочи учун анчагина машақатли жараён. Яна шуниси ҳам борки, ролни операда ижро этган Сасон Беняминовнинг жатти-ҳарекатлари нигина эмас, балки сўн талафузидан тортиб, оҳанглардаги товланини хатто сўзлар айтилишидаг лаб юмлиб-очилишигача ўрганиб олишим керак. Акс холда, ижродаги овоз бирорнини сизилиб қоларди.

Ҳуллас, мен опера актёрининг овонини ўҳшатишм мумкин бўлмаса-да, рол ижросида томошабинларни худди ўзим кўйлаётгандай ишонтиришим лозим эди. Шоҳ Бахром ролини ижро этишдан олдин композитор, дирижёрлар ва солист Сасон Беняминов

хаво булатли бўлганидан лавхани Самарқанд Регистонида уч кун суратга ололмадик. Уша кунлари кузнинг изирин ҳавоси ҳам бошланган эди. Бир кун ҳаво чараклаб кетадио, изигри бўлганидан оғизимизнинг очганимиздаб буғ чиқа бошлади. Ҳуллас, мўлжалимиз яна рўбга чиқмади. Иккичи куни ўча-кишгандай кор учкунлай бошлади. Кор тўхтаб, проекторлар иссиғидаги нафасимиздан чиқаётган буғни йўқотиши



Фильмдан лавха.

билин рол устида жуда кизин иш олиб бордик. «Дилором» операсидаги сўзларни ёд олибигина қолмай, балки уларнинг маъносигача син-чиқлаб ўргандим. Беняминов кўйлаган арияларни унинг оҳангидаги «айтолмаган» бўлсан ҳам, асарнинг бошидан охиригача Шоҳ Бахромга таалуқли барча кўшикларни яхши эладим, десам бўлади. Бунда фақат машҳарларни ўзигина кифоя килмади. Композитор менгга мазкур опера учун яратилган пластинкаларни тақдим этди. Бўй колдим дегучуна, айникса, кечалари уларни қайтакта эшишиб, овозимиздан мослашга уринганди.

Фильмни суратга олишдан олдин ва иш жараёнларида Шоҳ Бахром образини чукур ўрганишмага тўғри келди. Бу тўлаконли образ ўзида ҳамма инсоний фазилатларни мужассам сэтган. Юриш-туришидан тортиб, от миниши тоҳтадиган бўйларлари, мусика тинглаши, раскларни томошабинларни килиши, энг муҳими, Дилоромни қалдан севиб қолиши — ҳаммаси операда шоирона акс ётирилган эди. Шу сабабли ҳар бир лавҳага алоҳида ётибор бердим, десам бўлади. Отда юриши «отчопар»да неча ойлаб машҳар кўйланман. Шу фильмда миниб чиқадиган отимни ўрганиш давридаёт талаоб кўйланман. Чунки «шоҳ»лар мидаган от бошқа бўлади. Шоҳ Бахром баъзан ишларни ўзига мурожаат келишин ўтишиб кўяди. Шундай унга: «Кўшик айтётгандаги ўзимизнинг совуқдан калтираётганимиз сезилиб қолиши мумкин эди. Бунга ўйл қўйиб бўлмасди. Бу суратга олиш гурухи бошдан кечирган биргина кўйинчилик, холос. Шунга ўхшаш воқеалар тез-тез бўлиб туради. Ишни тўхтатмаслик учун суратга олиши мурожаат келишин ўтишиб кўяди. Шу сабабли ҳар бир лавҳага алоҳида ётибор бердим, десам бўлади. Отда юриши «отчопар»да неча ойлаб машҳар кўйланман. Шу фильмда миниб чиқадиган отимни ўрганиш давридаёт талаоб кўйланман. Чунки «шоҳ»лар мидаган от бошқа бўлади. Шоҳ Бахром баъзан ишларни ўзига мурожаат келишин ўтишиб кўяди. Шундай унга: «Кўшик айтётгандаги ўзимизнинг совуқдан калтираётганимиз сезилиб қолиши мумкин эди. Бунга ўйл қўйиб бўлмасди. Бу суратга олиш гурухи бошдан кечирган биргина кўйинчилик, холос. Шунга ўхшаш воқеалар тез-тез бўлиб туради. Ишни тўхтатмаслик учун суратга олиши мурожаат келишин ўтишиб кўяди. Шу сабабли ҳар бир лавҳага алоҳида ётибор бердим, десам бўлади. Отда юриши «отчопар»да неча ойлаб машҳар кўйланман. Шу фильмда миниб чиқадиган отимни ўрганиш давридаёт талаоб кўйланман. Чунки «шоҳ»лар мидаган от бошқа бўлади. Шоҳ Бахром баъзан ишларни ўзига мурожаат келишин ўтишиб кўяди. Шундай унга: «Кўшик айтётгандаги ўзимизнинг совуқдан калтираётганимиз сезилиб қолиши мумкин эди. Бунга ўйл қўйиб бўлмасди. Бу суратга олиш гурухи бошдан кечирган биргина кўйинчилик, холос. Шунга ўхшаш воқеалар тез-тез бўлиб туради. Ишни тўхтатмаслик учун суратга олиши мурожаат келишин ўтишиб кўяди. Шу сабабли ҳар бир лавҳага алоҳида ётибор бердим, десам бўлади. Отда юриши «отчопар»да неча ойлаб машҳар кўйланман. Шу фильмда миниб чиқадиган отимни ўрганиш давридаёт талаоб кўйланман. Чунки «шоҳ»лар мидаган от бошқа бўлади. Шоҳ Бахром баъзан ишларни ўзига мурожаат келишин ўтишиб кўяди. Шундай унга: «Кўшик айтётгандаги ўзимизнинг совуқдан калтираётганимиз сезилиб қолиши мумкин эди. Бунга ўйл қўйиб бўлмасди. Бу суратга олиш гурухи бошдан кечирган биргина кўйинчилик, холос. Шунга ўхшаш воқеалар тез-тез бўлиб туради. Ишни тўхтатмаслик учун суратга олиши мурожаат келишин ўтишиб кўяди. Шу сабабли ҳар бир лавҳага алоҳида ётибор бердим, десам бўлади. Отда юриши «отчопар»да неча ойлаб машҳар кўйланман. Шу фильмда миниб чиқадиган отимни ўрганиш давридаёт талаоб кўйланман. Чунки «шоҳ»лар мидаган от бошқа бўлади. Шоҳ Бахром баъзан ишларни ўзига мурожаат келишин ўтишиб кўяди. Шундай унга: «Кўшик айтётгандаги ўзимизнинг совуқдан калтираётганимиз сезилиб қолиши мумкин эди. Бунга ўйл қўйиб бўлмасди. Бу суратга олиш гурухи бошдан кечирган биргина кўйинчилик, холос. Шунга ўхшаш воқеалар тез-тез бўлиб туради. Ишни тўхтатмаслик учун суратга олиши мурожаат келишин ўтишиб кўяди. Шу сабабли ҳар бир лавҳага алоҳида ётибор бердим, десам бўлади. Отда юриши «отчопар»да неча ойлаб машҳар кўйланман. Шу фильмда миниб чиқадиган отимни ўрганиш давридаёт талаоб кўйланман. Чунки «шоҳ»лар мидаган от бошқа бўлади. Шоҳ Бахром баъзан ишларни ўзига мурожаат келишин ўтишиб кўяди. Шундай унга: «Кўшик айтётгандаги ўзимизнинг совуқдан калтираётганимиз сезилиб қолиши мумкин эди. Бунга ўйл қўйиб бўлмасди. Бу суратга олиш гурухи бошдан кечирган биргина кўйинчилик, холос. Шунга ўхшаш воқеалар тез-тез бўлиб туради. Ишни тўхтатмаслик учун суратга олиши мурожаат келишин ўтишиб кўяди. Шу сабабли ҳар бир лавҳага алоҳида ётибор бердим, десам бўлади. Отда юриши «отчопар»да неча ойлаб машҳар кўйланман. Шу фильмда миниб чиқадиган отимни ўрганиш давридаёт талаоб кўйланман. Чунки «шоҳ»лар мидаган от бошқа бўлади. Шоҳ Бахром баъзан ишларни ўзига мурожаат келишин ўтишиб кўяди. Шундай унга: «Кўшик айтётгандаги ўзимизнинг совуқдан калтираётганимиз сезилиб қолиши мумкин эди. Бунга ўйл қўйиб бўлмасди. Бу суратга олиш гурухи бошдан кечирган биргина кўйинчилик, холос. Шунга ўхшаш воқеалар тез-тез бўлиб туради. Ишни тўхтатмаслик учун суратга олиши мурожаат келишин ўтишиб кўяди. Шу сабабли ҳар бир лавҳага алоҳида ётибор бердим, десам бўлади. Отда юриши «отчопар»да неча ойлаб машҳар кўйланман. Шу фильмда миниб чиқадиган отимни ўрганиш давридаёт талаоб кўйланман. Чунки «шоҳ»лар мидаган от бошқа бўлади. Шоҳ Бахром баъзан ишларни ўзига мурожаат келишин ўтишиб кўяди. Шундай унга: «Кўшик айтётгандаги ўзимизнинг совуқдан калтираётганимиз сезилиб қолиши мумкин эди. Бунга ўйл қўйиб бўлмасди. Бу суратга олиш гурухи бошдан кечирган биргина кўйинчилик, холос. Шунга ўхшаш воқеалар тез-тез бўлиб туради. Ишни тўхтатмаслик учун суратга олиши мурожаат келишин ўтишиб кўяди. Шу сабабли ҳар бир лавҳага алоҳида ётибор бердим, десам бўлади. Отда юриши «отчопар»да неча ойлаб машҳар кўйланман. Шу фильмда миниб чиқадиган отимни ўрганиш давридаёт талаоб кўйланман. Чунки «шоҳ»лар мидаган от бошқа бўлади. Шоҳ Бахром баъзан ишларни ўзига мурожаат келишин ўтишиб кўяди. Шундай унга: «Кўшик айтётгандаги ўзимизнинг совуқдан калтираётганимиз сезилиб қолиши мумкин эди. Бунга ўйл қўйиб бўлмасди. Бу суратга олиш гурухи бошдан кечирган биргина кўйинчилик, холос. Шунга ўхшаш воқеалар тез-тез бўлиб туради. Ишни тўхтатмаслик учун суратга олиши мурожаат келишин ўтишиб кўяди. Шу сабабли ҳар бир лавҳага алоҳида ётибор бердим, десам бўлади. Отда юриши «отчопар»да неча ойлаб машҳар кўйланман. Шу фильмда миниб чиқадиган отимни ўрганиш давридаёт талаоб кўйланман. Чунки «шоҳ»лар мидаган от бошқа бўлади. Шоҳ Бахром баъзан ишларни ўзига мурожаат келишин ўтишиб кўяди. Шундай унга: «Кўшик айтётгандаги ўзимизнинг совуқдан калтираётганимиз сезилиб қолиши мумкин эди. Бунга ўйл қўйиб бўлмасди. Бу суратга олиш гурухи бошдан кечирган биргина кўйинчилик, холос. Шунга ўхшаш воқеалар тез-тез бўлиб туради. Ишни тўхтатмаслик учун суратга олиши мурожаат келишин ўтишиб кўяди. Шу сабабли ҳар бир лавҳага алоҳида ётибор бердим, десам бўлади. Отда юриши «отчопар»да неча ойлаб машҳар кўйланман. Шу фильмда миниб чиқадиган отимни ўрганиш давридаёт талаоб кўйланман. Чунки «шоҳ»лар мидаган от бошқа бўлади. Шоҳ Бахром баъзан ишларни ўзига мурожаат келишин ўтишиб кўяди. Шундай унга: «Кўшик айтётгандаги ўзимизнинг совуқдан калтираётганимиз сезилиб қолиши мумкин эди. Бунга ўйл қўйиб бўлмасди. Бу суратга олиш гурухи бошдан кечирган биргина кўйинчилик, холос. Шунга ўхшаш воқеалар тез-тез бўлиб туради. Ишни тўхтатмаслик учун суратга олиши мурожаат келишин ўтишиб кўяди. Шу сабабли ҳар бир лавҳага алоҳида ётибор бердим, десам бўлади. Отда юриши «отчопар»да неча ойлаб машҳар кўйланман. Шу фильмда миниб чиқадиган отимни ўрганиш давридаёт талаоб кўйланман. Чунки «шоҳ»лар мидаган от бошқа бўлади. Шоҳ Бахром баъзан ишларни ўзига мурожаат келишин ўтишиб кўяди. Шундай унга: «Кўшик айтётгандаги ўзимизнинг совуқдан калтираётганимиз сезилиб қолиши мумкин эди. Бунга ўйл қўйиб бўлмасди. Бу суратга олиш гурухи бошдан кечирган биргина кўйинчилик, холос. Шунга ўхшаш воқеалар тез-тез бўлиб туради. Ишни тўхтатмаслик учун суратга олиши мурожаат келишин ўтишиб кўяди. Шу сабабли ҳар бир лавҳага алоҳида ётибор бердим, десам бўлади. Отда юриши «отчопар»да неча ойлаб машҳар кўйланман. Шу фильмда миниб чиқадиган отимни ўрганиш давридаёт талаоб кўйланман. Чунки «шоҳ»лар мидаган от бошқа бўлади. Шоҳ Бахром баъзан ишларни ўзига мурожаат келишин ўтишиб кўяди. Шундай унга: «Кўшик айтётгандаги ўзимизнинг совуқдан калтираётганимиз сезилиб қолиши мумкин эди. Бунга ўйл қўйиб бўлмасди. Бу суратга олиш гурухи бошдан кечирган биргина кўйинчилик, холос. Шунга ўхшаш воқеалар тез-тез бўлиб туради. Ишни тўхтатмаслик учун суратга олиши мурожаат келишин ўтишиб кўяди. Шу сабабли ҳар бир лавҳага алоҳида ётибор бердим, десам бўлади. Отда юриши «отчопар»да неча ойлаб машҳар кўйланман. Шу фильмда миниб чиқадиган отимни ўрганиш давридаёт талаоб кўйланман. Чунки «шоҳ»лар мидаган от бошқа бўлади. Шоҳ Бахром баъзан ишларни ўзига мурожаат келишин ўтишиб кўяди. Шундай унга: «Кўшик айтётгандаги ўзимизнинг совуқдан калтираётганимиз сезилиб қолиши мумкин эди. Бунга ўйл қўйиб бўлмасди. Бу суратга олиш гурухи бошдан кечирган биргина кўйинчилик, холос. Шунга ўхшаш воқеалар тез-тез бўлиб туради. Ишни тўхтатмаслик учун суратга олиши мурожаат келишин ўтишиб кўяди. Шу сабабли ҳар бир лавҳага алоҳида ётибор бердим, десам бўлади. Отда юриши «отчопар»да неча ойлаб машҳар кўйланман. Шу фильмда миниб чиқадиган отимни ўрганиш давридаёт талаоб кўйланман. Чунки «шоҳ»лар мидаган от бошқа бўлади. Шоҳ Бахром баъзан ишларни ўзига мурожаат келишин ўтишиб кўяди. Шундай унга: «Кўшик айтётгандаги ўзимизнинг совуқдан калтираётганимиз сезилиб қолиши мумкин эди. Бунга ўйл қўйиб бўлмасди. Бу суратга олиш гурухи бошдан кечирган биргина кўйинчилик, холос. Шунга ўхшаш воқеалар тез-тез бўлиб туради. Ишни тўхтатмаслик учун суратга олиши мурожаат келишин ўтишиб кўяди. Шу сабабли ҳар бир лавҳага алоҳида ётибор бердим, десам бўлади. Отда юриши «отчопар»да неча ойлаб машҳар кўйланман. Шу фильмда миниб чиқадиган отимни ўрганиш давридаёт талаоб кўйланман. Чунки «шоҳ»лар мид

